

АЛИМЕНТ ВА НЕУСТОЙКА МИҚДОРНИНГ ИЖТИМОЙИ- ХУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ

Рустамова Нилуфар Рустамовна

Тошкент шаҳар Чилонзор тумани 2-сон ФХДЁ бўлими мудираси

АННОТАЦИЯ

Мақолада оилавий ҳуқуқий жавобгарлик чораси сифатида алимент ҳамда неустойка миқдорининг ижтимоий-иқтисодий тусдаги ҳуқуқий жиҳатлари, шунингдек оилавий ҳуқуқий тартибга солишдаги баъзи назарий-амалий муаммолари баён қилинган.

Калит сўзлар: *оилавий ҳуқуқий жавобгарлик, алимент, алимент мажбуриятлари, алимент тўловлари жамгармаси, неустойка, алимент миқдори, мулкӣ ва номулкӣ ҳуқуқлар, ҳуқуқбузарлик.*

СОЦИАЛЬНО-ПРАВОВЫЕ ВОПРОСЫ РАЗМЕРА АЛИМЕНТА И НЕУСТОЙКИ

АННОТАЦИЯ

В статье освещены правовые вопросы социально-экономического характера, также некоторые теоретико-практические проблемы в семейно-правовом регулировании размера алимента и неустойки в качестве меры семейно-правовой ответственности.

Ключевые слова: *семейно-правовая ответственность, алимент, алиментные обязательства, фонд алиментских выплат, неустойка, размер алимента, имущественные и неимущественные права, правонарушение.*

SOCIAL AND LEGAL ISSUES OF THE AMOUNT OF ALIMONY AND CIVIL RIGHTS

ABSTRACT

The article highlights legal issues of a socio-economic nature, as well as some theoretical and practical problems in family legal regulation of the amount of alimony and penalties as a measure of family legal responsibility.

Key words: *family legal responsibility, alimony, alimony obligations, alimony fund, penalty, amount of alimony, property and non-property rights, offense.*

КИРИШ

Амалдаги оила қонунчилиги алимент муносабатларини, иштирокчи шахслар ихтиёрига қараб тартибга солишга имкон беради. Бу нормалардан оила

аъзолари қонун талабларига ва тарафлар ихтиёрига жавоб берувчи алимент келишуви тузмаган ҳолларида фойдаланадилар.

Алимент мажбурияти, пайдо бўлиш асосларига боғлиқ бўлмаган равишда тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини юзага келтирадики, уларни ижро этиш ва амалга ошириш ҳуқуқий жавобгарлик чоралари билан таъминланади.

Сўнгги йилларда алимент билан боғлиқ низолар суд-ҳуқуқ амалиётида кўплаб учраётганлигини кўриш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Олий суди статистикаси¹га кўра, 2018 йилда фуқаролик ишлар бўйича судлар томонидан биринчи инстанцияда кўрилган оилавий низолар бўйича 79316 та иш кўрилган бўлса, 2022 йилда 112985 та иш кўриб тамомланган. 2019 йилда даъво тартибидаги 98 080 та фуқаролик ишларидан 2 077 таси ёки 2,1 фоизи бола таъминоти учун алимент ундириш, 27 701 таси ёки 28,2 фоизи эса никоҳдан ажратишга оид низолардир.

Мажбурий ижро бюросидан олинган маълумотлар²га кўра, 2022 йил қидирувда бўлган шахсларнинг 6 200 нафари, 2022 йил 2935 нафари, 2023 йил 6 ойида эса 3422 нафари топилган. Алимент тўлашдан бўйин товлаган қарздорларнинг 13 281 нафари маъмурий жавобгарликка тортилган ҳамда 2022 йилда 1 295 нафарига ва 2023 йилда 1 026 нафари (ўтган йилнинг шу даврида 492 нафар)га жиноят ишлари кўзғатилди.

Умумий вояга етмаган фарзандлари бўлган эр-хотинни никоҳдан ажратиш жараёнида, агар даъвогар никоҳни бекор қилиш талаби билан чекланса, суд томонидан алиментларни ундириш ҳақида қарор қабул қилинмайди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2016 йил 29 июлдаги 11-сонли “Судлар томонидан вояга етмаган ва вояга етган меҳнатга лаёқатсиз болалар таъминоти учун алимент ундиришга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг³

2-бандига мувофиқ вояга етмаган, шунингдек, вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болалар таъминоти учун алимент тарафларнинг келишувига кўра ихтиёрий тартибда, шунингдек, суд тартибида ундирилиши қонун билан белгиланганлиги судларга тушунтирилган. Шунингдек, қарорга кўра, алимент ота-онанинг бирининг аризаси ёки даъвоси билан, агар бошқа ота (она) вояга етмаган болаларига таъминот бериш мажбуриятини бажармаган

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суд расмий сайти маълумотларига асосланади.// <https://stat.sud.uz/fib.html>

² Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси тақдим этган маълумотлар. 2023 йил 17 майдаги NQ 10.3/1 - Т- /23-R2-сонли жавоб хати.

³ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2016 йил 29 июлдаги 11-сон “Судлар томонидан вояга етмаган ва вояга етган меҳнатга лаёқатсиз болалар таъминоти учун алимент ундиришга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги Қарори// <https://lex.uz/docs/3034913>

ҳолатларда суд тартибида (суд буйруғи ёки суднинг ҳал қилув қарори билан) ундирилади.

Алимент мажбуриятларининг ижтимоий-иқтисодий муҳимлиги таъминотни тақдим этиш бўйича мажбуриятнинг мажбурий ижросини қўллаш, алимент мажбуриятини бажармаслик ёхуд лозим даражада бажармаслик учун жавобгарлик чорасини қўллаш имкониятини назарда тутди. Бу қарздорнинг мазкур мажбуриятдан бош тортиши алимент олувчининг турмуш шароитини ёмонлаштиради, соғлиғига таъсир қилади. Агар алиментлар вояга етмаган болаларга тўланса, нормал жисмоний, руҳий ва маънавий ривожланиш, таълим олиши бузилади. Балоғатга етмаган болаларга алимент белгилаш масаласи никоҳни бекор қилиш жараёнининг ажралмас қисми бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг 5-бўлимида кўрсатиб ўтилган.

Алимент олувчининг моддий, яъни мулкӣ манфаатларини ҳимоя қилиш ва қарздорни жазолаш мақсадида қонун чиқарувчи алимент мажбуриятларини бажармаслик учун фуқаролик ва оилавий ҳуқуқӣ жавобгарлик чораларини назарда тутди. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 142-моддасига кўра суднинг ҳал қилув қарорига мувофиқ алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг айби билан қарз вужудга келган бўлса, айбдор шахс кечиктирилган ҳар бир кун учун тўланмай қолган алимент суммасининг ўндан бир фоизи миқдорида алимент олувчига неустойка тўлайди. Алимент олувчи алимент ўз вақтида тўланмаганлигида айбдор алимент тўлаши шарт бўлган шахсдан алимент тўлаш мажбуриятларини ўз вақтида бажармаганлик оқибатида етказилган барча зарарларнинг неустойка билан қопланмаган қисмини ундиришга ҳам ҳақлидир.

Фикримизча, неустойка ва унинг миқдори масаласини таҳлил қилиб чиқиш муҳим кўринади. Неустойка бу борада, биринчидан, мажбуриятни бажаришни таъминлаш усули; иккинчидан, жавобгарлик чораси; учинчидан, жабрланган шахснинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чораси сифатида намоён бўлади. Мажбуриятни бажаришни таъминлаш усули сифатида неустойканинг асосий вазифаси - юклатилган мажбуриятни ихтиёрий, лозим даражада бажаришга ундашдан иборат. Рағбатлантириш даражаси тўғридан-тўғри неустойканинг миқдorigа боғлиқ. Бироқ, неустойканинг миқдори кам бўлса, у бу муҳим вазифани бажара олмайди.

Л.Е.Чичерова неустойка миқдорини ошириш ҳақидаги фикрни қўллаб, 0,1% - алимент олувчининг яшаш манбаларининг асосийсидан бири бўлган пул воситалари - алиментларни ўз вақтида тўлашга самарали рағбатлантириш учун

жуда кам миқдор⁴, деб ҳисоблайди. Неустойканинг худди шундай миқдори (0,1%) Тожикистон Оила кодекси⁵ нинг 116-моддасида ва Молдова Оила кодекси⁶нинг 106-моддасида келтирилган. Озарбайжон оилавий қонунчилиги⁷ 108-моддасида неустойка миқдорини аниқ кўрсатиб ўтмаган, бироқ уни ундириш имкониятини берган. Масалан, ушбу моддада айтилишича, “суд қарори бўйича алимент тўлашга мажбур бўлган шахс айби билан алиментлар бўйича қарздорлик юзага келган бўлса, айбдор шахс алимент олувчига ҳар бир ўтказиб юборган куни учун алиментларнинг тўланмаган миқдорининг фоиз ҳисобида неустойка тўлайди”. Озарбайжон Оила кодексида фоизлар миқдори назарда тутилмаган. Демак, Озарбайжон Республика фуқаролик қонунчилиги нормалари асосида фоизлар белгиланади.

Илмий-амалий нуқтаи назардан шартномавий неустойка миқдори белгиланмаган алимент келишуви бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолда неустойка миқдори қандай белгиланади? Назаримизда, бундай ҳолатда Ўзбекистон Республикаси ФКнинг неустойка тўлаш тартибига оид нормаси қўлланилиши мақсадга мувофиқ.

Биз қонуний неустойка миқдорини ошириш тарафдоримиз. Бироқ, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлик даражаси ва алимент мажбуриятларини ижро этишнинг реал тартибини тахмин қилишдаги ўқувсизлиги, тарафлар келишувга мажбурият ижроси кечиктирилган ҳолда шартномавий неустойкага оид шартнинг киритмаслигига олиб келмоқда. Фикримизча, агар тарафлар неустойканинг бошқа миқдорини белгиламаган бўлсалар, қонуний неустойкани алимент келишувига татбиқ этиш мақсадга мувофиқ бўларди. Ўзбекистон Республикаси ФК 263-моддасига кўра, агар қонун таъқиқламаса, қонуний неустойка миқдорини тарафлар келишуви билан кўпайтириш мумкин.

Неустойка жавобгарлик чораси сифатида зарарни қоплаш вазифасини бажариш учун мўлжалланмаган. Жабрланган шахснинг мулкӣ ҳолатини тиклаш мақсадида қонун чиқарувчи фақат неустойкани ундириш эмас, балки қарзнинг неустойка билан қопланмаган қисмидан зиён (ҳисобга олинган неустойка)ни ундириш имкониятини ҳам тақдим этган. Мажбурий ижро тайинлаш ҳуқуқига эга бўлган қарзнинг миқдори каби алиментлар тўлашдан фарқлироқ, зиённи тўлдириш фақат суд тартибида амалга оширилиши мумкин. Чунки зиён етказилганлигини исботлаб бериш зарур ва унга ҳуқуқий баҳони фақат судгина бериши мумкин. Баъзан алиментлар бўйича қарздорлик алимент

⁴Чичерова Л.Е. Ответственность в алиментных обязательствах // Юрист. 2004. № 6. С. 42.

⁵ http://www.adlia.tj/show_doc.fwx?rgn=805#A000000139

⁶ https://www.legis.md/cautare/getResults?doc_id=109550&lang=ru

⁷ <https://chisinau.mfa.gov.az/ru/content/123/semeynyy-kodeks-azerbaydzhanskoy-respubliki>

тўловчининг айбидан ташқари ҳам вужудга келади. Масалан, иш ҳақи вақтида берилмагани боис юзага келган бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда жавобгар алиментлар унинг айби билан тўланмаганлигини исботлаб бериши талаб қилинади.

Юқорида кўрилган фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликнинг ҳар иккала чораси ўзининг махсус вазифасини бажаради. Аммо, савол туғилади. Яъни, улар қарздорга ҳар томонлама таъсир ўтказиш ҳамда ҳуқуқи бузилган шахсни ҳимоялаш учун етарлими? Бу саволга жавоблар бир-биридан фарқ қилиши табиий. Чунки оилавий муносабатларга ҳар кимнинг ўз субъектив қараши бор. Устига устак, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 142-моддаси алимент мажбурияти лозим даражада бажарилмагани учун маънавий зарарни қоплаш каби жавобгарлик чорасини назарда тутмаган. Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги “Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 7-сонли қарори ⁸ нинг 2-бандида маънавий зарар деганда жабрланувчига қарши содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳаракати (ҳаракатсизлик) оқибатида у бошидан кечирган (ўтказган) маънавий ва жисмоний (камситиш, жисмоний оғриқ, зарар кўриш, ноқулайлик ва бошқа) азоблар тушунилиши кўрсатиб ўтилган.

Ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик)нинг объекти шахсий номулкий ҳуқуқлар билан бир қаторда мулкый ҳуқуқлар (уй-жой дахлсизлиги, мулк ҳуқуқи ва бошқалар) ҳам бўлиши мумкин. Назаримизда, мулкый ҳуқуқлар сафига алимент таъминотини ҳам киритиш ўринли. Кўриб чиқилган фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик чораларидан ташқари Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси жазо хусусиятига эга оилавий ҳуқуқий жавобгарлик чораларини ҳам назарда тутди. Чоралари мажбуриятини бажармаётган алимент тўловчи шахсга қаратилган фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликдан фарқлироқ, оилавий ҳуқуқий жавобгарлик чоралари, одатда, маълум оилавий ҳуқуқий мавқега эга ҳуқуқли шахсларга нисбатан турли оилавий ҳуқуқбузарликларни содир этгани учун қўлланилади.

Шундай мураккаб муаммолар мавжудки, уларни фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик ва оилавий ҳуқуқий жавобгарлик чоралари билан ҳал қилиб бўлмайди. Ҳозирда бозор муносабатлари ривожланаётгани, мамлакатда миграция жараёнлари кучайиши, яшаш учун пулни ҳисобга олинмаган бизнес доирасида ёхуд бир нечта ишхонада ишлаб топиш мумкинлиги даромадни яшириш имкониятини бермоқдаки, ушбу муаммо тобора кескинлашиб

⁸ <https://lex.uz/docs/1449509>

бормоқда. Муаммонинг моҳияти шундаки, алимент тўловчи шахс даромадларининг ҳақиқий миқдорини қандай қилиб аниқлаш мумкин? Унга қайси мулк амалда ва ҳуқуқий асосда тегишли?

Кўпинча, қарздорнинг ҳақиқий даромади жуда кўп, алиментлар миқдори эса кулгили даражада кам. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш бўйича янгича ёндашув ҳамда даромадлар шаффофлигини таъминловчи усуллар ва воситаларга эҳтиёж сезилмоқда.

Алиментларни тўлашдан бош тортиш муаммоси, қайд этилганидек, фақат биздаги муаммо эмас. Бироқ, турли мамлакатларда қонунчилик ҳуқуқбузарларга таъсир этишнинг турли механизмларига урғу беради. Бир қатор белгиланган чоралар назарда тутилган ва муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2018 йил 27 июндаги “Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ–3808-сон қарорида оила масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, шунингдек, ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш асосида оилавий ҳуқуқий муносабатларнинг жавобгарлик мезонларини аниқлаш, алиментларни белгилаш, ажрашиш вақтида аёллар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид нормаларини янада такомиллаштириш нуқтаи назаридан ишлаб чиқиш белгилаб берилди⁹.

Алимент тўлаш тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш алиментни тўламаслик муаммосига жамият ёндашувини ўзгартириш зарурлигини келтириб чиқармоқда. Вояга етмаган болаларни боқиш учун алимент ундиришнинг суд тартибининг мавжудлиги, бу борада фуқаролик ҳуқуқий воситалар (шартномалар) кенг қўлланилмаслиги тизимдаги муаммолардан биридир. Бундай ишларни ҳал қилишда суд амалиётини таҳлил қилган ҳолда, амалдаги қонун ҳужжатларига қуйидаги ўзгартиришларни кўриб чиқиш таклиф қилиш мумкин.

1. Болаларни таъминлаш учун алиментнинг минимал миқдорини белгилаш билан бир қаторда Алимент фондини ташкил этиш зарур. Мазкур фонд турли сабабларга кўра алимент тўланмай қолган ҳолларда давлат ва жамиятнинг оилани муҳофаза қилиш борасидаги функцияларини бажаришга имкон беради.

2. Вояга етмаган болани боқиш учун ота-онадан ундириладиган алимент миқдорини кўпайтириш мумкин бўлган ҳолатларни аниқ белгилаш зарур.

⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2018 йил 27 июндаги “Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ–3808-сон қарори. //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2018 йил 2 июль, 26-сон, 514-модда

Масалан, касаллик сабабли, ўқиш, спорт машғулотларига қатнашиш, алимент тўловчининг кўшимча даромад олиш имкониятининг пайдо бўлиши ва бошқа ҳолатларда алиментни кўпайтиришнинг аниқ механизмларини белгиланиши мақсадга мувофиқ.

3. Алимент ундирилиши керак бўлган шахснинг ҳақиқий даромадини қасддан яширганлик ёки кам баҳолаганлик фактини суд аниқлаган ҳолларда алиментни белгиланган миқдорда тўлаш мажбуриятини белгилаш зарур.

Хорижий мамлакатларнинг алимент мажбуриятини таъминлаш борасидаги ижобий тажрибасини татбиқ этиш таклиф қилинади. Германияда тўғри чизик бўйича қариндошларнинг (ота-оналар, болалар, бобо-бувилар, қариндошлар), эр-хотин никоҳда бўлганлари ва никоҳдан ажралганларининг алимент мажбуриятлари, шунингдек никоҳдан ташқари туғилган бола учун отанинг алимент мажбуриятлари белгилаб берилган. Вояга етмаганлар учун алимент миқдорини белгилаш қуйидагиларга боғлиқ, яъни ўғил ёки қизнинг ёши; уларнинг яшаш жойи; болаларнинг умумий сони. Агар эр ва хотин алоҳида-алоҳида яшашни бошлаган ва ажралишга тайёргарлик кўраётган бўлса, алимент тўланиши бошланади. Ажралишгача ажралиш муддати 1 йил бўлиши керак. Шунга кўра, алимент 12 ой давомида тўланиши мумкин. Германияда Дюссельдорф Алиментлар жадвали (1962 йил) ҳам амалда бўлиб, у орқали алимент миқдори аниқланади. “Алиментлар тўғрисида”ги Қонунига кўра 1979 йилдан бошлаб ота-онаси алимент мажбуриятини бажаришдан бўйин товлаган 13 ёшгача бўлган вояга етмаган шахсларга давлат томонидан алимент маблағи тўлаш тизими жорий этилган. Алимент тўловчилар алимент тўламаган тақдирда, давлат маълум бир давр учун болани қарамоғига олади. Бироқ, агар алимент тўловчи уларни тўламаслик учун қонуний асосга эга бўлмаса, унда уларга давлат томонидан тўланадиган маблағлар ва алиментнинг ўзи ундирилади. Суднинг қарорига кўра иш ҳақини музлатиб қўйишлари ва қарзлар тўлангунга қадар фақат яшаш учун керакли миқдорни бериб туришлари мумкин. Бундан ташқари, улар ҳам жарима солиши мумкин. Ҳокимиятдан яширган ёки уларни нақд пул билан тўлаган ҳолда алдашган зарарли алимент тўлашдан бош тортаётганларнинг мол-мулкани бола фойдасига мусодара қилиш ва сотиш, ахлоқ тузатиш ишлари, уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан жазоланадилар. Никоҳдан ташқари туғилган бола учун отанинг алимент мажбуриятлари қонунга мувофиқ амалга оширилади. Бунга кўра, она бола туғилишидан 4-5 ой олдин ва туғилганидан бошлаб 2 ой давомида 3 йилгача биологик отадан пул тўловини талаб қилиши мумкин. Францияда эса оила кассалари фаолият юритади. Агар ота (она) икки ой алимент тўламаса,

қарамоғида вояга етмаган фарзанд бўлган иккинчи тараф (ота ёки она) ана шу Оила кассаларидан алимент маблағларини олиши мумкин.

Хорижий мамлакатлардаги алимент тўғрисидаги қонун ҳужжатларида алимент қонунчилигининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган кўплаб фойдали ва қизиқарли ҳолатларни кузатиш мумкин. Баъзи мамлакатларда, масалан, Латвия ва Швецияда ота-онага моддий ёрдам тўлаш мажбуриятлари лозим даражада бажарилмаган тақдирда боланинг эҳтиёжларини қондириш учун пул маблағлари тақдим этиладиган жамғармалар мавжудлигини кўриш мумкин. Ушбу амалиёт боланинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга ёрдам беради, шунингдек бола моддий ёрдамсиз қоладиган вазиятни бартараф этади. Жамғарманинг мавжудлиги билан бир қаторда, агар Австрия тажрибасига эътибор қаратилса, бунда болани қўллаб-қувватлашнинг пул шаклига устунлик берилганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин. Бу эса ўз навбатида, бола манфаатларини кенгроқ таъминлашга имкон беради.

Мамлакатимизда ҳам юқоридаги хорижий мамлакатлар тажрибасига ўхшаш механизм жорий қилинмоқда. Хусусан, регресс даъво кўринишида алимент ундириш тизими жорий қилинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2022 йил 7 мартдаги ПФ-87-сон Фармонининг 20-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда «Алимент тўловлари» жамғармаси ташкил этилганлиги ва унга Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 50 миллиард сўм ажратилиши белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 3 августдаги “Алимент тўловлари жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 427-сонли Қарори¹⁰ кучга кирди. Жамғарма ҳисобидан тўловлар фақат вояга етмаган фарзандини моддий таъминлашдан бўйин товлаганлик учун жиноий жавобгарликка тортилган қарздорга нисбатан татбиқ этилади. Жамғарма фаолияти Мажбурий ижро бюроси томонидан бошқарилиб, тўловларни тўлаш тартиб-таомиллари устидан қатъий назорат ўрнатиш мақсадида барча амалиётлар Мажбурий ижро бюросининг Алимент мажбуриятларини ижро этиш ва назорат қилишнинг ягона ахборот тизими

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 3 августдаги “Алимент тўловлари жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 427-сонли Қарори <https://lex.uz/docs/6141398>

орқали амалга оширилади. Бунда тўловлар ушбу тизим билан интеграция қилинган алимент олувчиларнинг банк карталарига ўтказилади.

Мажбурий ижро бюроси ҳузурида ташкил этилган “Алимент тўловлари” давлат мақсадли жамғармаси ¹¹ ҳисобидан 702 нафар алимент олувчилар фойдасига жами 9,6 млрд сўм маблағлар йўналтирилди (2022 йил август ойидан бошлаб).

Миграция жараёнида ажримлар ва алиментлар мажбуриятлари билан боғлиқ низоларни ва қарздорлик масалаларини ҳал этишда 2007 йил 23 ноябрдаги “Болаларга алимент ундириш ва оилани таъминлашнинг бошқа шаклларида халқаро тартиби тўғрисида”ги Гаага Конвенцияси алоҳида аҳамиятга эга халқаро ҳужжат ҳисобланади. Алиментларни ундириш амалиёти шунинг кўрсатадики, 1993 йил 22 январда Минск шаҳрида имзоланган Фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам ҳамда ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги Конвенция ва 2002 йил 7 октябрда Кишинев шаҳрида имзоланган Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги Конвенцияларни ратификацияси алиментларни ундиришда МДХ давлатлари ҳудудида қидирувни самарали олиб бериш имконини бермоқда. Бугунги кунда миграциянинг узоқ хорижий мамлакатлар бўйлаб кенгайиши қарздорлар қидирувини мазкур мамлакатлар доирасида ҳам олиб боришни тақозо этмоқда. Шунинг учун 2007 йил 23 ноябрдаги “Болаларга алимент ундириш ва оилани таъминлашнинг бошқа шаклларида халқаро тартиби тўғрисида”ги Гаага Конвенциясига қўшилиш, уни ратификация қилган давлатларда ҳам алимент мажбуриятларини ундиришни самарали йўлга қўйишга имкон яратади.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, биринчидан, алимент мажбуриятларини бузганлик учун фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик чоралари мулкӣ хусусиятга эга ва ноқонуний ҳаракат қилган айбдор мажбуриятли шахсга нисбатан қўлланилади; иккинчидан, оилавий ҳуқуқий жавобгарлик чораларининг ўзига хос хусусияти шундаки, улар ҳуқуққа эга шахсга нисбатан қўлланилади ва мулкӣ ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уни чеклашда ифодаланади; учинчидан, алимент муносабатлари соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун оила қонун ҳужжатларида назарда тутилган чораларнинг, жумладан алимент ва неустойка миқдорининг қатор талабларга жавоб бермаслиги ҳамда самарасизлиги кўзга ташланмоқда.

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 7 март 2022 йилдаги ПФ-87-сонли Фармони//<https://lex.uz/docs/5899498>

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати (REFERENCES):

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суд расмий сайти маълумотларига асосланади.// <https://stat.sud.uz/fib.html>
2. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси тақдим этган маълумотлар. 2023 йил 17 майдаги NQ 10.3/1 - Т- /23-R2-сонли жавоб хати.
3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2016 йил 29 июльдаги 11-сон “Судлар томонидан вояга етмаган ва вояга етган меҳнатга лаёқатсиз болалар таъминоти учун алимент ундиришга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги Қарори// <https://lex.uz/docs/3034913>
4. Чичерова Л.Е. Ответственность в алиментных обязательствах // Юрист. 2004. № 6. С. 42.
5. http://www.adlia.tj/show_doc.fwx?rgn=805#A000000139
6. https://www.legis.md/cautare/getResults?doc_id=109550&lang=ru
7. <https://chisinau.mfa.gov.az/ru/content/123/semeynyy-kodeks-azerbaydzhanskoy-respubliki>
8. <https://lex.uz/docs/1449509>
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги “Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ–3808-сон қарори. //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2018 йил 2 июль, 26-сон, 514-модда
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 3 августдаги “Алимент тўловлари жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 427-сонли Қарори <https://lex.uz/docs/6141398>
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 7 март 2022 йилдаги ПФ-87-сонли Фармони//<https://lex.uz/docs/5899498>
12. Rakhimjonov, A., & Imomov, N. F. (2021). Improving the creation of a land information base for the privatization of land plots in the republic of Uzbekistan and foreign experience in this area.“. *The American journal of social science and education innovations*, 160-165.